

Ўзбекистонда сайлов олдидан фаолларга босим кучайди- Клара Сахарова ҳибсга олинди

Марказий Осиёда Инсон Ҳуқуқлари Ассоциацияси (АНРСА) ва Инсон Ҳуқуқлари йўлидаги Халқаро Ҳамкорлик (IPHR) яқин кунларда инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси Клара Сахарованинг ҳибсга олиншидан хавотирда. У сиёсий сабаблар билан икки ярим йилдан кўпроқ қамоқда ўтирганидан кейин ўтган йилнинг 20 октябрида вафот этган марҳум сиёсий маҳбус Андрей Кубатиннинг синглисидир. **Биз Ўзбекистон ҳукуматини Клара Сахаровани ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ фаолияти учун тазйиқ ва таъқибларга дучор қилинмаслигини таъминлашга, уни ҳибсга олган ва таҳдид қилган милиция ходимининг ҳаракатларини текширишга чақирамиз. Ҳамда биз уларни мустақил инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларини сайловолди қонуний фаолиятини амалга оширишларини таъминлашга чақирамиз.**

8 - октябр, Жума кuni Тошкент шаҳрининг 3 -сонли Бектемир тумани Ички Ишлар Бўлими ходими Кларанинг иш жойига ташриф буюрди (турар -жой биноларида таъмирлаш ишлари учун масъул "Бектемир Сифатли Ҳизмат" компанияси) ва уни "профилактика муҳокамаси" учун милиция бўлимига келишини сўради. Милиция бўлимида милиция ходими Клара ишлаган компания таъсаруфидаги хусусий кўп қаватли уйлар ташқарисида керакли тозалаш ишлари олиб борилмаганлиги учун танбеҳ берди. Милиция ходими Кларани "сайлов олдидан тозалаш ишларини олиб боришга истаги йўқлигида" (2021 йил 24 октябрга белгиланган президент сайловлари назарда тутилган), шунингдек "одамларни қаршилигини қўзғатишга қаратилган" "ҳукуматни танқид қилишида" ва "одамларни ғалаёнга ундашда" айблади. Сухбат давомида милиция ходими нима учун Кларани унинг ишини муҳокама қилиш учун милиция бўлимига чақирилганини тушунтира олмади. Клара айбловларни рад этиб, тозалашга эмас, балки уйларни таъмирлашга жавобгарлигини тушунтирди.

Кейин милиция ходими иккита гувоҳни чақириб, Клара Сахарова этилган ҳудудни тозаламаганлигини кўрсатди ва уни милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаганликда айблади (Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 194 -моддаси, жарима ва 15 кун маъмурий қамоқ жазоси билан жазоланади). У Кларага нима учун бу ҳудудни тозалашдан бош тортганини хақида тушунтириш хати ёзишни буюрди. Клара ҳуқуқ ҳимоячиси Татьяна Давлатовага кўнғироқ қилишга муваффақ бўлди, у вазият ҳақида Facebook да пост ёзди, бир соатдан кейин Клара кўйиб юборилди.

Клара Сахарова унинг ҳибсга олиншини жиддий сигнал деб билади. У охириги тўрт йил давомида қаттиқ назорат остида бўлган ва акасининг иши бўйича расмийларга очиқ мурожаат қила бошлагач, унга нибатан таҳдид ва кузатув кучайган. У Нодавлат Нотижорат Ташкилотини расман рўйхатдан ўтказишдан саккизинчи марта рад этганидан кейин Адлия Вазирлигига қарши даъво қўзғатган «Human Rights House» мустақил инсон ҳуқуқлари ташкилотининг асосчиларидан бири бўлганидан кейин босим янада кучайди АНРСА га маълум бўлишича, Human Rights House асосчилари Давлат хавфсизлик хизматининг «норозиликлар, ҳукумат танқидлари ва рухсат этилмаган митингларга мойил» ва шунинг учун кузатув остида бўлган шахсларнинг норасмий рўйхатига киритилган.



ВОҚЕАЛАР РИВОЖИ:

Акаси вафотидан кейин Клара Сахарова акаси вафоти билан боғлиқ моддий ва маънавий зарарни қоплаш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш учун курашди.

2020 йил ноябр ойида ўтказилган ёпиқ суд мажлисида Тошкент ҳарбий суди Андрей Кубатиннинг ноқонуний ҳибсда сақлангани учун унинг оиласига тўланадиган компенсация миқдори 463 минг сўм (45 АҚШ долларига тенг) деб қарор қилди, бу тахминан оиланинг почта ва суд тўловларига сарфлаган миқдорига тўғри келади. 2021 йил 25 январда Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро суди Клара Сахарованинг акасининг ўлими учун компенсация тўлаш тўғрисидаги талабини рад этди. 17 май куни ўша суд Кубатиннинг беваси ва ўғлининг компенсация тўлаш тўғрисидаги талабини қисман қаноатлантирди ва уларнинг фойдасига 30 миллион сўм (тахминан 2900 АҚШ долларига тенг) ундирди. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанцияси бўйича 2021 йил 17 сентябрда маънавий зарарни қоплаш миқдорини 30 миллиондан 150 миллион сўмга ошириш тўғрисида қарор чиқарди (14000 АҚШ долларига тенг). Бу Ўзбекистонда маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги биринчи суд қарори, бу ерда қийноқлар натижасида етказилган жисмоний ёки маънавий зарар учун компенсация тўлашнинг суд прецеденти йўқ.

Тўрт йил олдин, 2017 йил 1 декабрда, Турколог ва академик Андрей Кубатин нодир китобларнинг нусхаларини бошқа давлатга топширганликда айбланиб, давлатга хиёнат қилишда айбдор деб топилиб, (Жиноят кодексининг 157-моддаси) 11 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди. У худдики Ўзбекистон бўйича йўлқўрсатгич нашр қилмоқчи бўлган Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТИКА) ходимига кутубхонасидаги нодир китобларнинг нусхаларини ҳадя қилганида айибланган. Кубатин 2019 йил сентябр ойида оқланди, у қамоқдан озод қилинди, лекин 2020 йил 29 октябрда вафот этди. Ўлиmidан бир неча кун олдин Кубатин синглиси Кларага қамоқда бир неча марта қийноқларга солинганини айтган.